



FARG‘ONA VILOYATI O‘ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 йил «30» декабрь

208-11-161-Q/21

Ўзбекистон туман ҳокимлиги

Ўзбекистон туманида 2022 йилда транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон*), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.03.2021 й., 09/21/125/0195-сон*)га мувофиқ транспорт воситаларининг 2022 йилда мажбурий техник кўригини ташкил қилиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўриқдан ўтказилсин.

2. Туманда транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг 2022 йилги мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилсин:

тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланувчи енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари - **бир йилда икки марта;**

ишлаб чиқарилганига олти йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - **икки йилда бир марта;**

ишлаб чиқарилганига олти йилдан ортиқ бўлган, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқ бўлмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - **бир йилда бир марта;**

тиркамалар техник кўриқка транспорт воситаси - **шатакчи учун белгиланган муддатларда;**

навбатдаги техник кўриқдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, уларни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда - ДЙҲХХ) органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида (биринчи марта рўйхатга олинаётган янги транспорт воситалари бундан мустасно).

4. Мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриғи:

биринчи марта – **1 март - 30 июнда;**

иккинчи марта - **1 сентябрь - 31 октябрда** ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бошқа транспорт воситаларининг техник кўриғи **1 январь - 31 декабрда** ўтказилади.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш туман комиссияси раҳбарига транспорт воситаларининг техник кўриқдан ўтказишда:

транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада (техник паспортда, техник талонда) кўрсатилган маълумотларга транспорт воситаси тури, маркаси, модели, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари, шасси (рама), кузов ва двигателнинг идентификациялаш рақамларининг мувофиқлиги;

транспорт воситасининг техник ҳолати ва жиҳозлари техник регламентлар, стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги;

махсус ва тезкор хизматларнинг транспорт воситаларида махсус рангли ва овозли сигналлар қурилмаларининг мавжудлиги, созлиги ва қонунийлиги, шунингдек, транспорт воситасининг ранг-график бўйича схемаларининг техник регламентлар ёки стандартлар талабларига мувофиқлиги;

газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишда газ баллонларининг фойдаланиш муддати, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, газ баллонларини синовдан ўтказиш муддатлари, газ баллони анжомларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширилишини таъминласин.

6. Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриғи ДЙҲХХ органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар томонидан Низомга мувофиқ ўтказилади ҳамда тегишли йиғим ундирилади.

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини

баҳолаш учун ДЙҲХХ органлари томонидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг техника базалари, шунингдек, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган М1 тоифадаги транспорт воситалари фақат тадбиркорлик субъектлари томонидан техник кўриқдан ўтказилади.

7. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга техник кўриқдан ўтказиш жадвали асосида транспорт воситаларини техник жиҳатдан созлигини ўз вақтида техник кўриқдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 125-сон “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий бўлинмаларининг транспорт воситалари мазкур идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши инobatга олинсин.

9. Мазкур қарор “Яйпан овози” газетасининг навбатдаги сонидан эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев

Ўзбекистон туман ҳокимининг
2021 йил 30 декабрдаги
208-11-161-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон туманида 2022 йилда транспорт воситаларни техник
кўригини ўтказишни ташкил этувчи комиссия**

ТАРКИБИ

Комиссия раиси;

1. **Б.Муроталиев - Ўзбекистон тумани ИИБ ЙХХГ
катта инспектори катта лейтенант;
Аъзолари;**
2. **М.Юлчиева - Туман “Автомotoхаваскорлар”
кўнгилли жамияти раиси**
3. **И.Хўжаев - Туман Мудофаа бўлими мутахассиси;**
4. **И.Топилов - М.К.”Ватанпарвар” ЎСТК раҳбари;**
5. **М.Каримов - “Автохамкор Яйпан” МЧЖ директори**

Ўзбекистон туман ҳокимининг
2021 йил 30 декабрдаги
208-11-161-Q/21-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон туманидаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган
транспорт воситаларининг 2022 йилги мажбурий техник кўригини
ўтказиш**

Ж А Д В А Л И

« _____ » _____ 2022 йил

Ўзбекистон тумани

№	Корхона ва ташкилотлар номи	Техник кўриқдан ўтказиладиган сана	Техник кўриқдан ўтказиладиган жой
1	Ўзбекнефтгаз	12.02.2022	Ўзбекнефтгаз
2	Ўзбекистон алоқа инфо	13.02.2022	Ўзбекистон алоқа инфо
3	Тиббиёт бирлашмаси	14.02.2022	Тиббиёт бирлашмаси
4	Қишлоқ ва сув хўжалиги	15.02.2022	Қишлоқ ва сув хўжалиги
5	Ўз агро сервис	16.02.2022	Ўз агро сервис
6	Кўкон-Яйпан-Фарғона МЧЖ	17.02.2022	ЙХХГ
7	Секонд Лидер Такси МЧЖ	18.02.2022	ЙХХГ
8	Голд Мега Такси МЧЖ	21.02.2022	ЙХХГ
9	Импала Алфа Транс МЧЖ	22.02.2022	ЙХХГ
10	Автахамкор Яйпан МЧЖ	23.02.2022	ЙХХГ
11	Якоб Пфайфир МЧЖ	24.02.2022	Жакоб Прифир МЧЖ
12	Хушнудбек Ишонч МЧЖ	25.02.2022	Хушнудбек Ишонч МЧЖ
13	Форус Капитал Инвест МЧЖ	28.02.2022	Форус Капитал Инвест МЧЖ
14	Яйпан Таррақиёт Инвест МЧЖ	01.03.2022	Яйпан Таррақиёт Инвест МЧЖ
15	Яйпан Қурилиш Инвест МЧЖ	02.03.2022	Яйпан Қурилиш Инвест МЧЖ
16	Фергана Каттле Рейсир МЧЖ	03.03.2022	Фергана Каттле Рейсир МЧЖ
17	Овчи Автотранс МЧЖ	04.03.2022	Овчи Автотранс МЧЖ
18	Тадбиркор фермер хўжалиги	07.03.2022	ЙХХГ
19	Шиддат хусусий корхонаси	08.03.2022	ЙХХГ
20	Бегали Фарм хусусий корхонаси	09.03.2022	ЙХХГ
21	Хумоюн Групп МЧЖ	10.03.2022	ЙХХГ
22	Бандликка кўмаклашиши маркази	11.03.2022	ЙХХГ
23	Ғиёсиддин Мухаммаджон МЧЖ	14.03.2022	ЙХХГ
24	Тиловатхон Бўстон фермер хўжалиги	15.03.2022	ЙХХГ
25	Глория Инвест Текст МЧЖ	16.03.2022	ЙХХГ

26	Универсал савдо саховати МЧЖ	17.03.2022	ЙХХГ
27	Марварид водий дурдонаси хўжалиги	18.03.2022	ЙХХГ
28	Имкон Гипс хусусий корхонаси	24.03.2022	ЙХХГ
29	Азиз Алрашид хусусий корхонаси	25.03.2022	ЙХХГ
30	Кимсанобод фермер хўжалиги	28.03.2022	ЙХХГ
31	Эко Топ бизнес МЧЖ	29.03.2022	Эко Топ бизнес МЧЖ
32	Шўрсув Мобил хусусий корхонаси	30.03.2022	Шўрсув Мобил хусусий корхонаси
33	Сардор Сибел МЧЖ	01.04.2022	Сардор Сибел МЧЖ
34	Шўрсув Инвест МЧЖ	04.04.2022	ЙХХГ
35	Яйпан Бўстон Собиржон фермер хўжалиги	05.04.2022	ЙХХГ
36	Сан Медиа Мобил хусусий корхонаси	06.04.2022	ЙХХГ
37	Саховат Пеша Мухиддин	07.04.2022	ЙХХГ
38	Майдалаш Саралаш хусусий корхонаси	08.04.2022	ЙХХГ
39	Даза Фоодс МЧЖ	11.04.2022	ЙХХГ
40	Тўрақосимбой Яйпан хусусий корхонаси	12.04.2022	ЙХХГ
41	Шўрсув цемент МЧЖ	13.04.2022	ЙХХГ
42	Турон Еко Цемент МЧЖ	14.04.2022	ЙХХГ
43	Умидбек Қобилбек Файз МЧЖ	15.04.2022	Умидбек Қобилбек Файз МЧЖ
44	Конизар Қурилиш савдо МЧЖ	18.04.2022	Конизар Қурилиш савдо МЧЖ
45	Иззат Яйпоний номли боғдорчилик	19.04.2022	Иззат Яйпоний номли боғдорчилик
46	Хондамир савдо МЧЖ	20.04.2022	Хондамир савдо МЧЖ
47	Хурсанд Садоси дехқон хўжалиги	21.04.2022	Хурсанд Садоси дехқон хўжалиги
48	Шўрсув Ғишт заводи МЧЖ	22.04.2022	ЙХХГ
49	Файз Темир Бетон сервис МЧЖ	25.04.2022	ЙХХГ
50	Яйпан Регал Мебел	26.04.2022	ЙХХГ
51	24-Автокорхона	27.04.2022	24-Автокорхона
52	559-ХМКК МЧЖ	28.04.2022	559-ХМКК МЧЖ
53	Ал Азиз Полимир	29.04.2022	Ал Азиз Полимир
54	Диёрбек Гулнозхон дехқон хўжалиги	02.05.2022	Диёрбек Гулнозхон дехқон хўжалиги
55	Голд Гипс Кард МЧЖ	03.05.2022	Голд Гипс Кард МЧЖ
56	Или дўст газ МЧЖ	04.05.2022	Или дўст газ МЧЖ
57	Истиқлол Гранд пишириқлари	05.05.2022	ЙХХГ
58	Кавбой Пилус фермер хўжалиги	06.05.2022	ЙХХГ
59	Майсагул Дехқон хўжалиги	08.05.2022	ЙХХГ
60	Мирзо Муродбек МЧЖ	09.05.2022	ЙХХГ
61	Нефт Газминерал Шўба корхонаси	10.05.2022	ЙХХГ
62	Олтин Томорқа дехқон хўжалигиг	11.05.2022	ЙХХГ

63	Пахтақайнар алтернатив машина	12.05.2022	ЙХХГ
64	Кўқон Алфа Транс МЧЖ	13.05.2022	ЙХХГ
65	Водий шифер савдо МЧЖ	16.05.2022	Водий шифер савдо МЧЖ
66	Яккатут Шифо Сервис МЧЖ	17.05.2022	Яккатут Шифо Сервис МЧЖ
67	Янги Хаёт номли пахта ғалла	18.05.2022	Янги Хаёт номли пахта ғалла
68	Яйпан чорваси деҳқон хўжалиги	19.05.2022	Яйпан чорваси деҳқон хўжалиги
69	Зикумакс Савдо хусусий корхонаси	20.05.2022	Зикумакс Савдо хусусий корхонаси
70	Акрамхўжа Хожи КТСИХФ	21.05.2022	ЙХХГ
71	Жўрабой Ота боғдорчилик	23.05.2022	ЙХХГ
72	Конизар Савдо Пласт Сервис МЧЖ	24.05.2022	ЙХХГ
73	Қораёзбобо фермер хўжалиги	26.05.2022	ЙХХГ
74	Қудаш Муруват уйи МЕХНАТ ВА АХ.ИЖТ.ХИМ.ВАЗ	27.05.2022	ЙХХГ
75	Мохирбек Шохсанам деҳқон хўжалиги	30.05.2022	ЙХХГ
76	Наврўз кичик хусусий корхонаси	31.05.2022	Наврўз кичик хусусий корхонаси
77	Оқсув МЧЖ	02.06.2022	ЙХХГ
78	Пахтакор хусусий корхонаси	03.06.2022	ЙХХГ
79	Рисолатхон Буви фермер хўжалиги	07.06.2022	ЙХХГ
80	Универсал МАН МЧЖ	08.06.2022	ЙХХГ
81	Ўрмонобод номли пахта ғалла чорва	09.06.2022	ЙХХГ
82	Уста Отақўзи фермер хўжалиги	13.06.2022	ЙХХГ
83	Хожимансур хусусий корхонаси	14.06.2022	ЙХХГ
84	Хотамтой Шифобахш Асал номли асаларичилик	15.06.2022	Хотамтой Шифобахш Асал номли асаларичилик
85	Яйпан Омухта Ем МЧЖ	16.06.2022	Яйпан Омухта Ем МЧЖ

Ўзбекистон тумани ИИБ ЙХХГ

катта инспектори катта лейтенант:

Б.Муроталиев